

УДК: 619:615:636.92

## ЭЙМЕРИОЦИД ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИДА ҚЎЛЛАШ

**А.Х.Хушназаров**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Таянч докторант  
[phd.xushnazarov@gmail.com](mailto:phd.xushnazarov@gmail.com)

**М.И.Хушназарова**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Талаба  
[xushnazarovamohigul@gmail.com](mailto:xushnazarovamohigul@gmail.com)

**З.Х.Исоқулова**

Нарпай туман 1 - сон касб-хунар мактаби ўқитувчиси  
[zeboisoqulova@gmail.com](mailto:zeboisoqulova@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қуёнчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар келтирадиган инвазион (протазой) касаллик эймериоз ҳақида маълумотлар келтирилган, бугунги кунда касалликка энг самарали тасир кўрсатадиган антиэймерий препаратлардан маҳаллий Толтрокснинг самарадорлиги синовдан ўтказилган, қўллаш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Қуён, Эймериоз, Эймериоцид, Оосиста Вазурил, Толтрокс, Аналоглар.

### USE OF EYMERIOTIC DRUGS IN RABBIT EYMERIOSIS

#### ABSTRACT

In this article, information is provided about the invasive (protozoan) disease Eimeria, which causes great economic damage to rabbit farms, the effectiveness of local Toltrox, one of the most effective anti-Eimeria drugs, has been tested, and recommendations for use are given.

**Key words:** Rabbit, Eimeriosis, Eimericide, Oosyststa Vazuril, Toltrox, Analogues.

**КИРИШ.** Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифаси чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришдир. Қуёнчилик чорвачилик соҳасида гўшт ресурсларини кўпайтириш борасида ва энгил саноатни хомашё билан таъминлаш борасида катта салоҳиятга эга бўлган соҳалардан биридир. Дунё иқтисодиёти ва истеъмол занжирида қуёнчилик алоҳида ўрин тутди. Франция, Белгия, Испания, Аргентина ва Мексика бу борада энг яхши тажрибага эга. Мўйнали ва пахмоқ зотли қуёнларни етиштиришда энг катта улушни Хитой эгалласа Италия гўшт бўйича етакчилик қилади ва ушбу мамлакат йилига 300 минг тонна қуён гўштни етиштиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, инсон овқатланишида парҳез озиқанинг 5 фоизидан кўпроғи парҳез гўшт бўлиши керак. ЖССТнинг маълумотига кура аҳоли жон бошига қуён гўштини истеъмол қилиш йилига 5,5-6 килограммни ташкил қилиши лозим. Германия, Франция ва Венгрияда бу кўрсаткич 2,5-3 килограммни ташкил этади, ушбу мамлакатларда маҳсулотларнинг 65 фоизи кластер усули билан ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармонида бошқа чорвачилик тармоқларини ривожлантириш билан бир қаторда қуёнларни парваришлаш бўйича ихтисослашган комплексларни куриш, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистонда қуён боқишни ривожлантириш концепсиясига мувофиқ, 2020-2024 йилларда республикада қуён боқиш кластерларини ишга тушириш дастури ишлаб чиқилган ва амалиётда кенг қўлланилмоқда.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.** Эймериозлар бир хужайрали содда паразитлар – Эймериялар (кокцидиялар) чақирадиган инвазион касаллик ҳисобланади. Қуёнларда эймериоз турли хил клиник ҳолатларда кечади. Эймериоз билан кўп ҳолатларда 3 ойликкача бўлган қуён болалари оғир касалланади. Касаллик кучли хуруж қилган пайтда қуён болалари қарахт бўлиб, ҳаракатчанлиги кескин пасайиб кетади, озиқланиши сустлашади, ошқазон-ичак фаолияти бузилади (ич кетади), ич кетиши баъзан қон аралашган ҳолда кечади, натижада қуёнчалар ўсишдан қолади. Касалликни вақтида ташхислаш, даволаш ва олдини олишда юқори самарали антипаразитар дори воситаларини қўллаш касалликни самарали даволашга ва иқтисодий зарарни камайишига имконият яратади.

**Тадқиқот мақсади.** Қуёнлар эймериозини даволашда замонавий эймериоцид препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш. Толтрокс (маҳаллий)

ва ўзаро таққослаш учун Вазурил препаратининг эймериоцид таъсирларини ўрганиш. Ушбу препаратларнинг 1 мл таркибида 25 мг/ мл толтразурил мавжуд.

**Тадқиқотнинг вазифаси:** Препаратларнинг антиэмерий таъсирини ўрганиш.

**НАТИЖАЛАРИ.** Илмий тадқиқот ишларимиз Самарқанд вилояти Булунғур тумани “Бўрибой Нустаев Замин Нур” Ф/Хда олиб борилди. Фермер хўжалигида 950 бош “Хикол” зотли қуёнлар парваришланиб келинмоқда. Биз қуёнларни клиник кўриқдан ўтказиш жараёнида эймериоз билан касалланганлигини кузатдик. Илмий тадқиқот ишлари давомида амалий тажриба, микроскопик ва статистик усуллардан фойдаланилди. Қуёнларнинг тезак намунаси Дарлинг усулида текширилди. Текширилган қуёнларнинг тезак намунасида Эймерия ооцистлари мавжудлиги аниқланди (1-расм).



**1-расм.** Эймерия ооцистлари микроскопда кўриниши.

Касалланиб ўлган қуёнларнинг жасади ёриб кўрилди ва патологоанатомик текширилди. Жасади патологоанатомик усулда ёриб текшириб кўрилган қуёнлар эймериоз билан касалланганлиги тасдиқланди (2-расм).



**2 - расм.** Қуёнларни патологоанатомик текшириш жараёнларидан лавҳалар

Хўжаликда эймериоз билан касалланганлиги аниқланган қуёнлар ажратиб олиниб, анологлар қондаси бўйича 10 бошдан 3 гуруҳ (1 - тажриба гуруҳи; 2 - тажриба гуруҳ; 3 - назорат гуруҳи) га тақсимланди.

Тадқиқот ишлари давомида ҳар иккала гуруҳ қуёнлари клиник, паразитологик, микроскопик текширилгандан сунг, бу қуёнлар 3 та гуруҳга ажратилди, шундан:

1- тажриба гуруҳи қуёнларига Толтрокс препаратини 1000 мл сувга 1 мл микдорда аралаштириб, икки кун давомида узлуксиз берилди.

2- тажриба гуруҳидаги қуёнларга эса Вазурил 1000 мл сувга 1 мл микдорда аралаштириб, икки кун давомида узлуксиз берилди.

3- назорат гуруҳидаги қуёнлар хўжалик технологияси бўйича асралди, озиклантирилди, аммо препарат берилмади. Қўлланилган препаратларнинг самарадорлиги касалликнинг клиник белгиларини кузатилмаслиги ва лаборатория текшириш натижалари асосида тахлил қилиб баҳоланди.

**МУҲОКАМА.** Амалий тажриба натижаларига кўра препаратлар узлуксиз равишда 2 кун давомида берилганда, 1-тажриба гуруҳидаги қуёнларда ўлим ҳолати қайд этилмасдан соғайиш кузатилди, 2-тажриба гуруҳидаги қуёнлардан 1 боши нобуд бўлиб, клиник соғайиш суст кечди. 3-назорат гуруҳида эса 5 бош қуён нобуд бўлди. Препаратлар берилгандан сўнг қуёнларни тезак намуналари Дарлинг усулида текширувдан ўтказилганда 1-гуруҳ қуёнларига қўлланилган Толтрокс препаратини даволовчи самарадорлиги 89 % ни, 2-гуруҳ қуёнларига берилган Вазурил препаратининг самарадорлиги эса 60 % ни ташкил қилганлиги қайд этилди (1 жадвал).

### 1 -жадвал

#### Қуён эймериозини даволашда синовдан ўтказилган дориларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

№ гуруҳлар	Гуруҳлар номи	Дорилар номи	Дорини дозаси	Гуруҳдаги қуён сони	Гуруҳдаги қуёнларнинг сақланиши, %	Дори берилгач инвазиянинг интенсивлиги						Самарадорлиги, %
						Текширув кунлари (ооцистлар сони, нусха)						
						3-кун	4-кун	5-кун	6-кун	7-кун	8-кун	
1	Тажриба гуруҳи	Толтрокс	1 мл 1 л сувга (2кун)	10	100	11	10	7	5	2	1	89
2	Тажриба гуруҳи	Вазурил	1 мл 1 л сувга (2кун)	10	90	12	11	10	8	4	3	60
3	Назорат гуруҳи	-	-	10	50	17	18	21	22	23	24	-

**ХУЛОСА.** Ўтказилган текширувлар натижасига кўра, қуёнларнинг инвазион касалликлари орасида эймериоз кенг тарқалган бўлиб, унинг тарқалиши, диагностикаси ва замонавий кимёпрофилактикасини ўрганиб тавсиялар бериш ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий эймериозид препарат Толтроксни амалий тажрибада 1 мл/1 л сувга 2 кун ўзлуксиз қулланилганда унинг даволовчи самарадорлиги 89 % ни ташкил этганлиги аниқланди.

Касалликни даволаш учун витаминли комплекслардан фойдаланиш ҳам унинг эртачи тузалишига ёрдам беради.

Касаллик кенг тарқалишини олдини олиш мақсадида қуёнхоналарда тўлиқ зоогигиеник талабларга роия қилиш керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Худойбердиевич, Хушназаров Алишер, Моҳигул Илхомовна Хушназарова, and Зебо Худойбердиевна Исоқулова. "ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОЗИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ." *RESEARCH AND EDUCATION* 1.9 (2022): 245-249.

2. Давлатов, Р. Б., & Хушназаров, А. Х. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИ ЭПИЗОТОЛОГИЯСИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 181-184.

3. Давлатов, Р., & Мишин, В. (2008). Одновременная профилактика эймериоза и колибактериоза. *Животноводство России*, (5), 17-18.

4. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Хўджамшукуров, А. Н. Паррандалар касалликлари. *Ўқув қўлланма, Самарқанд-2018*.

5. Давлатов, Р. Б., Насимов, Ш. Н., Ниёзов, Х. Б., Жабборов, Ш. А., Хўджамшукуров, Ш. А., & Сафаров, Х. А. (2019). Парранда касалликларини профилактикаси ва даволаш бўйича ТАВСИЯЛАР.

6. ДАВЛАТОВ, Р. Б., & ИБРАГИМОВ, Д. (2012). Сравнительная активность кокцидиостатиков при эймериозе птиц. *Вестник ветеринарии*, (4), 40-41.

7. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Худжамшукуров, А. Н. (2018). " Парранда касалликлари" ўқув қўлланма Самарқанд.

8. Давлатов, Р. (2008). Кокикокцид-препарат против эймериоза и колибактериоза птицы. *Птицеводство*, (1), 28-28.

9. Даминов, А. С., Хашимов, Б. С., & Хушназаров, А. Х. (2018). ЭПИЗОТОЛОГИЯ И ЛЕЧЕНИЕ ПАРАМФИСТОМАТОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In *Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК* (pp. 76-83).

10. Isoqulova, Z. X. (2021). Qishloq xo 'jalik hayvonlarining trematodozlari haqida ma'lumot. *Science and Education*, 2(12), 97-101.

11. Расулов, О., Илёсов, З., Суюнов, Р., Расулов, Ш., & Хушназарова, М. (2022). Vozorlardagi go 'shtning yangiligini aniqlash usullari. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 132-136.

12. Турсункулов, А. Р., & Хушназаров, А. Х. (2020). ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЛАРВАЛЬ ЦЕСТОДОЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ. *ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ*, 332.

13. Худжамшукуров, А. Н., & Давлетов, Р. Б. (2019). РАСПРОСТРАНЕНИЕ ЭЙМЕРИОЗА КУР В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ИСПЫТАНИЕ ЭЙМЕРИОСТАТИКОВ ДЛЯ ЕГО ПРОФИЛАКТИКИ. In *СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАЗВИТИИ АПК* (pp. 167-171).

14. Худойбердиевич, Х. А., Хушназарова, М. И., & Исоқулова, З. Х. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОЗИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(9), 245-249.

15. Хушназаров, А. Х. (2022). ОБЗОР ЛИТЕРАТУРНЫХ ДАННЫХ ПО ХИМИОТЕРАПИИ И ХИМИОПРОФИЛАКТИКИ ЭЙМЕРИОЗА КРОЛИКОВ. *PEDAGOGS jurnali*, 23(2), 83-86.

16. Хушназарова, М. И., Расулов, У. И., & Исақулова, З. Х. (2022). СОВРЕМЕННЫМ И ПЕРСПЕКТИВНЫМ МЕТОДАМ ВЕТЕРИНАРНО-САНИТАРНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(2), 81-84.